


**ЖАР  
ЖИХАТДАН  
ИБРАТЛИ**



**ДУХТА ТАЙЁРГАРАЛЫК  
ОДОЙИШТАЛИККА КАФОЛАТ**

**ХАЁТНИНГ ҲАР  
ЛАҲЗАСИ ҚАДРЛИ**

*Қонунчилек ва ҳуқуқ-тартибот учун!*



**ДМ** **Мажлиса**

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 26 август, шанба • 34 (3668)-сон

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш; ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва ҳалқ олдиғаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, ҳалқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ҳалқпарварлик рұхыда, ҳар томонлама барқамол этиб тарбиялашга күштган кат-

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

**ФАРМОНИ**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТҮГРИСИДА

та ҳиссаси учун қуидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон - «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

**Абдуллаев Абдугани** - Республика «Усто» ижодий уюшмасининг Кўқон бадиий ишлаб

чиқариш корхонаси ёғоч-ўймакор устаси

**Абдуллахўжаева Малика Сатматовна** - Республика патологик анатомия маркази директори, академик

**Илясов Баҳодир Қиёмович** - «Ўзбекистон темир йўллари»

давлат акциядорлик компаниясининг 214-машиналашган темир йўл станциясининг йўл созловчиси

**Саматов Саме** - Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори, Сирдарё вилояти

**Хайтметов Гулмат** - Гурлан туманидаги «Хайтиммат ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 25 август.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

**Муддатли ҳарбий  
хизматнинг белгиланган  
муддатларини ўтаб бўлган  
фуқароларни хизматдан  
бўшатиш ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Қуролли  
Кучларига навбатдаги  
чақириув түгрисида**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечикитириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақириув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг октабр-ноябрь ойларida муддатли ҳарбий хизматта чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечикитириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақириув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақириви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаси Котиби М.Атабев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 25 август.

## 31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ



**РОСТДА-TV**



**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРДАТИ**  
*Көлгуси ҳафта учун*

# ТАЙИНЛАНДИЛАР:

Тошкент шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари – шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиги, подполковник Кабулов Абдинаби Абдуллаевич.



Кабулов Абдинаби Абдуллаевич 1958 йил 1 сентябрда Тошкент вилояти Куйичирчик туманида туғилган. Маълумоти олий, 1993 йилда ИИВ Олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар тизимида хизматни 1980 йил Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ЙПХ полкida инспекторликдан бошлади. 1985-1993 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патруль хизмати полкida кадрлар, жанговар ва хизмат тайёргарлиги бўйича инспектор, катта инспектор лавозимида ишлаби. 1993-1999 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ ШТБИХ кадрлар билан ишлаш бўлими, жамлаш бўлинмаси инспектори, катта инспектор, бўлинма бошлиги бўлиб ишлаби. 1999-2003 йилларда Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ бошлиги ўринбосари, 2003 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ШТБИХ бошлиги ўринбосари, 2003-2006 йилларда республика ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиги лавозимида хизмат қилди.

**Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиги, майор Мелибоев Жамолиддин Мухторович.**



Мелибоев Жамолиддин Мухторович 1967 йил 29 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1992 йилда Термиз Давлат педагогика университетини, 2004 йилда ИИВ Академиясини туттаган. Ички ишларда хизматни 1995 йилда Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида гурух инспектори вазифасида бошлади. 1995-1999 йилларда Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг кўриқлананаётган ва бошқа иқтисад объектларида майда ташмачиликни олдини олиш гуруҳида инспектор, катта инспектор бўлиб ишлаби. 1998-2006 йилларда Сурхондарё вилояти Ангор тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиги лавозимида ишлаби.

**Андижон вилояти Андижон тумани ички ишлар бўлими бошлиги, майор Мансуров Тожидин**



Мансуров Тожидин 1959 йил 6 июнда Андижон вилояти Андижон туманида туғилган. Маълумоти олий, 1986 йилда ИИВ Тошкент милиция ўрта мактаби, 1999 йилда ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1980 йилда Андижон тумани ИИБ бошлади. 1981-1989 йилларда Андижон тумани ИИБ навбатчилик қисмida хизмат қилган. 1989-1994 йилларда Андижон тумани ИИБ балоғат ёшига етмагандар иши бўйича участка инспектори, профилактика бўлинмасида участка катта инспектори, 1994-1996 йилларда Андижон тумани Бугакора қўргон милицияси бўлинмаси бошлиги, 1996-1999 йилларда Андижон тумани ИИБ ЖҚБ бошлиги, 1999-2006 йилларда Андижон вилояти Булоқбоши тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаби.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, ИИВ-ИИБ-ИИБ кадрлари билан ишлаш бўлимининг бошлиги, майор Рассоқов Машраб Рӯзиевич**



Рассоқов Машраб Рӯзиевич 1976 йил 5 февралда Буҳоро вилояти Қоракўл туманида туғилган. Маълумоти олий, 1998 йилда ИИВ Академиясини тамомлаган. 1998-1999 йилларда Тошкент вилояти ИИВ ШТБИХ инспектори, 1999-2001 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ ШТБИХ бўлинмаси инспектори бўлиб ишлаби. 2001-2003 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ўкув марказида ўқитувчилик қилган. 2003-2005 йилларда республика ИИВ ШТБИХ бўлимларида инспектор, катта инспектор лавозимларида хизмат қилган. 2005-2006 йилларда ИИВ ЖҚ ва ТҚҚББ канцеляриясида катта референт, 2006 йилда ИИВ ШТБИХ бўлим бошлигининг ўринбосари, бўлим бошлиги лавозимида ишлаби.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати хизматни ўташ, ҳисобга олиш ва назорат бўлимининг бошлиги, майор Маҳмудов Камол Олимович.**



Маҳмудов Камол Олимович 1974 йил 11 апрелда Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган. Маълумоти олий, 1995 йилда Тошкент Давлат техника университетини, 2005 йилда ИИВ Академиясини тамомлаган. 1995-2003 йилларда республика ИИВ ШТБИХ хизматни ўташ, ҳисоб ва назорат бўлимида инспектор, катта инспектор, 2003-2006 йилларда республика ИИВ ШТБИХ ИИВ аппарати кадрлари билан ишлаш бўлимида катта инспектор бўлиб ишлаби. 2006 йилдан республика ИИВ ШТБИХ хизматни ўташ, ҳисобга олиш ва назорат бўлими бошлиги ўринбосари лавозимида ишлаби.

# ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Оилада ўғил бола туғилса, ота-онанинг қувончи бир олам бўлади. Ватанига, элига хизмат қиласин, катта мартабаларга эришин, умри билан берган бўлсин, дея дуога қўл очишади. Дарҳақиқат, ўғил бола азал-азалдан оила тавҳари, давлатнинг қалқони бўлиб келган.

## ЙИГИТЛАР ЮРТИМИЗ КЎРКИ, ГУРУРИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» канали ҳамкорлигига «Ўзбекистон» ўзбекистон телерадиокомпанияси иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йул ҳаракати хавфсизлиги Баш бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИБ ва Тошкент вилояти ИИБ йул ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларидан бўйи-басти келиш-



ган, интеллектуал салоҳияти ва ташки қўриниши жиҳатидан ҳозирги кун талаблariга жавоб берадиган етти нафар йўл-патруль хизмати инспекторлари таълими.

Мусобақа шартларига кўра иштирокчилар транспорт воситалари гавожум чорраҳада транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тартибига солиш, маҳсус майдонда патруль автомашинасини бошқариши, спорт, ошпазлик, ишчанлик маҳорати (тўсин арралаш), рақсга тушиб, кўча ва йўлларда йўл-патруль хизмати инспекторлари дуч келиши мумкин бўлган турли хил ҳолатларда ўзини тутиш ва бунда мавжуд меъёрий ҳужжатлар, бўйруқлар талабларига риоя этишлари бўйича бор билим ҳамда маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек, улар интеллектуал салоҳиятлари қайда дараҷада эканлигини ҳам кўрсатдилар.

ИИВ Академиясининг клубида мазкур мусобақанинг якуний босқичи ўтказилди.

Саккиз босқичдан иборат беллашувларда йигитлар ўзларининг нималарга қодирликларини кўрсатиб, томошабинларнинг олқишиларига сазовор бўлиши. Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тартибиغا солиш, мусобақасида Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБ инспектори, сержант Аброр Фойипов, авторалли мусобақасида Тошкент вилояти

полковник А. Саттаров мусобақа голибларини ўзларни қўлди. Унга кўра сержант Аброр Фойипов (52 балл) голиб деб тоғиди ва замонавий компютер соҳиби бўлди. Иккичи ва учинчи ўринларни эгаллаган сержант Темур Кащапов (51 балл), лейтенант Жаҳонгир Рашидов (49 балл)ларга ранги телевизор ва мусикий мэрказлар топширилди. Қолган иштирокчиларга эса DVD плейлерлар берилди.

Софбални Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Светлана Иномова топшириди ва йигитларнинг келгуси ишларига муваффақият тилади.

Хонандалар Иззат Ибрагимов ва Ахрор Усмоновлар ижросидаги дилрабо куй-кўшиклар ҳамда «Матрослар», «Жайрон» рақслари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдиди.

Мард, жасур, томираша буюк бобоқалонларимиз қони оқиб турган, Ватани, ҳалқи учун керак бўлса жонини фидо қилувчи, келажаги буюк давлатнинг муносаби ворислари билан ҳар қанча фаҳрлансан арзиди. Зоро, йигитлар юртимизнинг кўрки, фуруридир.

Тадбира Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Қўлдошев иштирок этди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**

## МЕҲР-САХОВАТ ТАДБИРИ

Бугунги кунда уочиган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашни бутун дунёдаги ташчиликсевар ҳаликларнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланған. Биснинг мамлакатида ҳам терроризм ўзининг жиҳжакни башарасини кўрсатиб узгуради. Ташчилик ва осоиштасиши ўзини ўтказилди.

Уларни ёдга олиш, эзгу ишларини эслаб туриш, ҳаётини давом эттираётган оиласи, фарзандларини йўқлаб туриш инсоний бурчимиз. Яқинда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида «Хомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан ўтказилган хайрия тадбiri ана шу мақсадда ташкил этилди.

Унга хизматни ўташ даврида фожиали равишда ҳаликларни ўтказилётган бундай тадбiri 40 дан ортиқ оиласидан ҳамидларнинг фарзандлари таълимида оширилди.

Тадбира вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиги ўринбосари, полковник М. Собиров кириш сўзи билан очиб, тадбирнинг мөҳияти ҳамда бошқармаси томонидан ходимларни қўллаб-куватлаш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида гапириди.


Вилоят ИИБ бошлиги, полковник М. Адилов, ви-

лоят касаба уочмалари кенгаши раиси М. Тўлаганова ҳамда республика ИИВ Фаҳрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор F. Раҳимовлар йигидлиш қатнашчиларини яқинлашиб келётган мустақиллик байрами билан кутлаб, яхши тилаклар бўйиди.

Бир кўнгли ўксикнинг қалбига қувонч багишилашнинг савоби қанчалик улуглигини яхши биламиш. Истиколлининг 15 йиллиги олдидан ўтказилётган бундай тадбiri 40 дан ортиқ оиласидан ҳамидларнинг фарзандлари таълимида оширилди.

Фожиали равишда ҳаликларни ўтказилётган бундай тадбiri 40 дан ортиқ оиласидан ҳамидларнинг фарзандлари таълимида оширилди. Она заминда тинчликни ўз ширин жонларидан кечган ҳамкасларимизнинг жасорати, порлок хотирави қалбимизда арадий яшайди.

**Феруза САЪДУЛЛАЕВА.**



Бугунги кунда ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими касб нуқтаи назаридан етарли малакага эта бўлиш билан бирга билимили, онгли, мулоҳазали, мулоҳадали, дунёқараши кенг ва теран тафакурга эга бўлиши талаб қилинмоқда. Албаттa, бунинг учун улар мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ўқиши, ўрганиши ва изланиши керак.

Республика ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ходимларнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш мақсадида Маърифат дарслари ташкил этилган.

Мазкур дарслар ички ишлар идоралари ходимларининг билим савиасини юксалтиришга, кундаклик воқеа ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлишини таъминлаш орқали хушёрлигини оширишга, ақл-идроқи ва зеҳн-заковатини чархлаб, замонавий тараққиёт билан ҳамқадам бўлишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Маърифат дарслари сифати ва самарадорлигини ошириш учун машгулоллар мавзулари Ўзбекистон Республикаси "Маънавият ва маърифат маркази" билан келишилган ҳолда тузилади. Унда асосий ўтибор муҳим саналар билан боғлиқ воқеаларга, шунингдек, республикамиз маънавий ҳайтида рўй берётган янгиликлар ва ўзгаришлар, маърифатпарвар зиёлilar ҳайти ва ижоди, тарихий обидаларимиз, миллий қадриятларимиз хусусидаги маълумотларга қаратилади.

Ички ишлар ходимларининг интеллектуал салоҳиятидан, истеъод ва ижодий қобилиятларидан унумли фойдаланиб, жамият ривожига салмоқди хисса кўшишлари мумкинligини тушуниши мақсадида бальзан мавзулар танини адабиётшунос олимлар билан сұхбат тарзида ҳам берилмоқда.

Кейинги пайтда ички ишлар идоралари ходимлари диний экстремистик оқимларга қарши кураш ва ёшларни уларнинг соҳтағоялари таъсиридан асраш борасида тарбибот ишларни ҳам олиб боришимоқда. Албаттa, бунда ходимларнинг экстремистик таркилотларнинг мақсад ва вазифаларнинг тўғри англasi, улар тўғрисида кўпроқ маълумотларга эгалиги бажарайётган ишлари самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу боис, мавзулар режиссора "Дунёвийлик даҳрийлик" эмас ёхуд "Хизб-уттархирнинг дательолари хусусида" номли мавзу киритилиб, маҳsus мутахассис томонидан атрофлича ёритиб берилди. Шу билан бирга ходимларимизга соғ исломдинининг моҳиятини тўлароқ англатиш мақсадида Алихонтўра Соғунийнинг "Тарихи Муҳаммадия" асарининг миллий маънавиятимиз тараққиётидаги тутган ўрни тўғрисида алоҳидарс ташкил этилди.

"Адабиёт атомдан кучли" мавзуси бўйича Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари номзоди, халқимизнинг севимли шоирларидан бири Муҳаммад Али билан сұхбатлашилганда унинг "... Адабиёт оламига кириш учун олий ўкув юртида сабоқ олиш шарт эмас. Фикримиз далили учун ўзининг руబийлари билан жаҳон адабиётидан муҳим ўрин олган Умар Хайёмининг математик бўлганлигини, забардаст ёзувчи Ойбек домланинг иқтисодчи мутахассислиги бўйича ўқиганлигини, жаҳонга маъшур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг зоотехник дипломини олганидан кейин адабиётда ўз ўрнини

# МАЪРИФИЙ - ТАРБИЯВИЙ САБОҚЛАР

ижтимоий ҳайтида рўй берётган янгиликлар ва ўзгаришларнинг туб моҳиятини тушуниши мақсади, жамиятни ислоҳ қилиш борасида Президентимиз томонидан қўйилаётган вазифаларни ҳайтида таъбиқ этишида қўйинчиллик туғдириши мумкин. Шу боис, 1996 йилдан бўён ички ишлар идоралари ходимлари билан "Сиёсий-ижтимоий ўқиши" машгулоллари ўтказиб келинмоқда. Бу машгулоллар эса ходимларнинг сиёсий-ижтимоий билимларини кенгайтиришида муҳим ўрин тутмоқда.

Машгулоллар ҳар ойнинг иккинчи ва тўртингчи пайсанба кунлари ташкил этилади. Ҳар бир ўтилган мавзуларнинг чукур ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўкув йили якунни бўйича ходимлардан синов имтиҳонлари қабул қилинади. Баҳолар ходимларнинг юқори унвонлар берилшида, янги лавозимларга тайлананишида ҳисобга олинади.

Президентимиз 2005 йил 7 феврал, куни Вазирлар Мажкамасининг янги таркиби билан ўтказган йигилишда "Шуни ҳам афсус билан таъкидлашга тўғри келади. Бугун замон шиддат билан ўзгарайти, аммо бизнинг онгимиз, дунёқарашимиз жуда секинлик билан ўзгарайти. Мени таъвишга соладиган, керак бўлса қўйнайдиган оғир муаммо ана шу", -деб куюнчаклик билан қайд этган ёдилар.

Шу боис, ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан ушбу дарслар мавзуларига, айниқса, Президентимизнинг Олий Мажлис Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида сўзлаган маърузасидан келиб чиқиб қўйилган вазифаларнинг мазмун моҳиятини шахсий таркиб томонидан чукур ўрганилишига алоҳидар ўтибор қаратилмоқда.

Хусусан, суд-хукуқ тизи-

мини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳидар ўтибор қаратилиб, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида "Ўлим жазосиниң бекор қилинчида" ги бир қатор мавзулар, мазкур дарслар машгулоллари жараённида ходимлар томонидан пухта ўзлаштирилди.

Конституцияда фуқароларнинг ижтимоий хукуқлари, Инсон хукуқлари бўйича халқаро хукуқий нормалар-инсон эркининг кафолати ва Ислом қонунчилигидан келиб чиқиб иш юритишга даъват этади. Чунки биз янги жамият кураяпмиз. Янги жамият куриш учун эса унинг хукуқий асосини пухта ўрганишимиз керак.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ**  
ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори, майор.

Мавзулар ишоралари ходимларининг маънавий-маърифий савиасини ошириш, сиёсий-

## БАЙРАМОЛДИ ҲАШАРИ

Мустақиллик байрами арафасида жойларда ҳашар ўтказиши одат тусига айланган. Бу йил ҳам республика Вазирлар Мажкамасининг Фармойшишига асосан муассаса, ташкилот, корхона ва барча меҳнат жамоаларида ана шундай тадбир ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иики ишлар вазирлиги Марказий аппарати ва унинг жойлардаги барча идоралари ходимлари 19-20 август кунлари умумхалқ ҳашарда иштирок этдилар.

Асосий ўтибор бинолар атрофларни тозалашга, дарахтларни оқлашга, хизмат хоналарини тартибга келтиришга қаратилиши. Вазирлик Марказий аппаратининг ходимлари ҳашар куни Ш. Рашидов ҳамда Космонавтлар кўчалари ён йўлакларини, «Интерпол» Миллий маркази биноси атрофини, автомашиналар турар жойи, саф майдони, ошхона атро-

фи ва автохўжалик хизмати жойлашган худудни тозаладилар.

Бир гурӯҳ ходимлар вазирликнинг 5 та мактабгача тарбия муассасалари, яъни боғчалар ҳудудларини чиқиндилярдан тозалашга кўмаклашдилар.

**Суратда:** байрамолди ҳашаридан лавҳа акс этган.

**А. КЕНЖАЕВ** олган сурат.



Иики ишлар идоралари ходимлари билан 2006-2007 ўкув ўилида ўтиладиган "Сиёсий-ижтимоий ўқиши" машгулолларининг сентябрь-декабрь ойларига мўлжалланган мавзулари

## РЕЖАСИ

### МАВЗУНИНГ НОМИ

Мустақиллик: муаммолар, ютуқлар ва истиқболлар

Халқаро сиёсат: Яқин шарқ муаммолари

Давлат бошқарув тизимида сиёсий партияларининг ўрни

Ўзбекистон ва Евросиё иқтисодий ҳамжамияти

Тадбиркорлар - Ўзбекистон келажагининг бувёдкорлари

Суд-хукуқ ислоҳотлари янги босқичда: ўлим жазосиниң бекор қилинчи

Ўзбекистон Конституцияси-фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг хукуқий асоси

ЮНИСЕФнинг республикамиздаги фаолияти тўғрисида

### ЎТКАЗИШ ВАҚТИ

14 сентябрь

28 сентябрь

12 октябрь

26 октябрь

9 ноябрь

23 ноябрь

7 декабрь

21 декабрь

Изоҳ: мавзулар матни «Постда» газетаси саҳифаларида «Сиёсий-ижтимоий сабоқ» руқни остида таҳририят буюртмасига асосан ИИВ ШТБИХ раҳбарияти ва масъул ходимлари ҳамда республикамизнинг шу соҳадаги етук мутахассислари томонидан тайёрланади. Вазият тақоғосига кўра мавзулар раҳбарият розлиги билан ўзгартирилиши ёки уларга қўшишчалар киритилиши мумкин.

Республика ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати

*Тараққиётнинг биринчи шарти ва гарови тинчликдир<sup>1</sup>. Кун сайин жамол очаётган юрт камолида айнан шу ҳақиқатни кўриш мумкин. Юртимизда тинчлик, осудалик ҳукм суроётгани туфайли халқимиз яратиш, улкан буниёдкорлик ишлари билан машғул.*

Юксалиш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз ҳаётида истиклол янгидан-янги имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Ҳар бир жабҳада ислоҳотлар амалга оширилиб, туб бурилишлар ясалмоқда. Ички ишлар тизими фаолияти ҳам тобора янгича шакл ва мазмун касб этмоқда. Аввалгилардан фарқли ўлароқ, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни қонуларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ички ишлар тизими фаолиятининг асл мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида – чекка қишлоғу овулларда ҳам милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда хизмат қилаётган профилактика инспекторлари халқ меҳри ва ишончини қозонишишмоқда. Вилоят миқё-

*Бизнинг Зомин туманимиз Тоҷикистон Республикаси билан чегарадош. Гоҳи-гоҳида бўлса ҳам айнан чегара ҳудудларда ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликлар учраб туради. Шунинг учун ҳам бутун республикамиз бўйича давом этаётган. «Антитеррор-Тозалаш» тадбирини ҳар томонлама пухта ва ҳушёrlик билан ўтказишга ҳарамат килаяпмиз.*

# **ХАМИША ХҮШЁРМИЗ**

Тадбир давомида чегара худудларда жойлашган 12 та қишлоқда туман прокуратураси, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари билан биргаликда назорат-текширув ишларини олиб боряпмиз. Шунингдек, тадбирга тоғбегилар, жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилган. Текширув натижасида Толли қишлоғида яшовчи А. Қаршибойнинг хонадонидан рўйхатдан ўтказилмай, ноқонуний сакланаётган бешотар ов милтиги топилди.

Олти нафар Тожикистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини бузиб, рўйхатдан ўтмай яшаб юргани учун республикамиздан чиқариб юборилди.

Кўпдан бери очилмай ётган жиноятнинг изи топилди. Зомин қўрғонидаги гўзаллик салонида ўғрилик қилган Ш. Ахматқул ва Р. Лазизлар қўлга олиниди.

Жиноят содир этиб, қидирувда бўлган Р. Бобожонова ҳам ушланди. Икки нафар яшаш, иш жойининг тайини йўқ кимса тегишли жойга жўнатилди. Тадбирни ўтказишдан мақсад фақат ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарликларни аниқлаш эмас, албатта. Шунингдек, фуқароларни

Шуни айтиб ўтиш лозимки, фуқароларимизнинг ўзлари ҳам анча ҳушёр бўлиб қолишган. Қишлоқда бирор нотаниш киши пайдо бўлса, албатта профилактика инспектори киндер охсокодини хабардор кишишади.

Тадбирни белгиланган режа асосида ўтказишда ма-  
ҳалла, қишлоқ фаоллари, маҳалла посбонларининг хиз-  
мати катта бўлаяпти. Айниқса, профилактика инспек-  
торлари, майор Умар Тошбоев, капитан Фурқат Сид-  
диевлар гуруҳларни керакли маълумотлар билан таъмин-  
лаб, ҳудудни синчиклаб текшириб чиқилишида бош -  
кош

**Д. ҚАРШИЕВ,**  
*капитан.*

# шар- Кун т ка- атни изда раёт- тиши, би-

# НОРТ

сида тинч, барқарор вази-

ятни таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Назорат», «Антитеррор», «Тозалаш» каби тадбирларда профилактика инспекторлари фаол иштирок этишмокда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги араfasида ўтказилаётган кенг қамровли «Тозалаш» тадбири вилоятимиизда ҳам уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Муқаддам судланганлар, хавфли рецидивистлар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, жиноят содир этишга мойил шахсларни профилактик ҳисобга олиш, ҳисобда турганлари билан профилактик ишларни олиб бориш тадбир иштирокчиларининг диққат-эътиборида. Тадбир давомида 2200 нафар шахс ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобига олинди. Уларнинг 37 нафариға маъмурий назорат ўрнатилди. Ижтимоий кўникма марказларига мурожаат қилган 24 нафар муқаддам судланганларга

моддий ёрдам  
күрсатилиб, 16  
нафари доимий иш билан  
тъминданы

Шундай ҳолатлар содир бўладики, вақтида аниқланиб чора кўрилмаса, оғир жиноятларни келтириб чиқаради. «Тозалаш» тадбири давомида ана шундай қонунбузилиш ҳолатларига

Турмушимизда кунда бўлмаса-да, кунора учраб турадиган лоқайдликка барҳам бериш ҳамда осойишта ҳаёт тарзини мустаҳкамлашда профилактик тадбирларнинг аҳамияти катта. Кундан-кун кўлами кенгайиб, қизғин тус олаётган “Тозалаш-Антитеррор” тезкор профилактик тадбирдан кўзланган мақсад хавфсизликни мустаҳкамлаш, мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами тинч-осуда ўтиши учун пухта замин ҳозирлашдир. Юрт корига камарбаста посбонларнинг шудамгача амалга оширган ишлари анча самарали кечиб, турли жиноятлар, ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг қилмишлари изи совумай фош этилмоқда. Тадбирда аввало,

Эътибор қаратылмоқда. Айниңса, күп қаватли турар-жой биноларида рўйхатдан ўтмай яшаётган фуқаролар ҳудуддаги тезкор вазиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмайди. Тадбир давомида паспортизими қоидаларини бузган 4900 нафарга яқин фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Шунингдек, жиноят со-  
дир этиб ҳуқуқ-тартибот  
идораларидан яшириниб  
юрган 20 нафардан ортиқ  
қидирудаги шахслар уш-  
ланиб, суд-тергов идора-  
ларига топширилди. 12 та  
очилмай қолган жиноят  
фош этилди. Чорток шаҳ-  
ри А. Сайдалиев кўчаси-  
да яшаган, муқаддам  
судланган, ҳеч қаерда  
ишламайдиган Т. Рустам  
қайта жиноятга қўл уриб,  
тергов идораларидан яши-  
риниб юрган эди. «Тоза-  
лаш» тадбири давомида  
профилактика инспектор-  
лари томонидан у ўз уйи-  
да учсанди.



лий ашё-ов қуроли олиб қўйилди.  
Тадбир изчиллик билан давом  
этмоқда. Тинч уй обод бўлади.  
Шундай экан, ҳар бир хонадон,  
маҳалла осойишталиги учун ҳам-  
мамиз бирдай масъулмиз. Умумий  
уйимиз – озод Ватанимизни обод  
қилайлик.

**Мусохон ОППОҚОВ,**  
*Наманган вилояты ИИБ*  
*Хуқуқбузарликларнинг*  
*олдини олиш бошқармаси*  
*бошлиғи, полковник.*

# ОГОНЬ МИТАЛИК

жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган жиноятчиларни ушлаб жазога тортиш асосий эътиборга олинган. Қашқадарё вилояти бўйича 21 нафар қиди- рувдаги жиноятчининг ушланиб кирдикорла- ри фош этилиши фик- римизнинг тасдигидир. Тадбир бошлангандан буён содир этилган 244 та жиноятнинг 218 таси иссиқ изидан очилди. Шаҳрисабз ту- мани ИИБ томонидан қўш жиноят содир эт- гани учун қидирувда бўлган Б.Равшанни из- қуварлар шу йил 13 ав- густ куни Тошкент

• 100

иётда касални  
тандан күра,

масдан яна номуносиб  
хатти-ҳаракатлар содир  
этгани учун маъмурий

назоратта олинди.

Мухтасар қилиб айтганда, осойишталик нинг залворли юкини зиммасига олган ички ишлар ходимларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошираётган хизматларини ҳар қанча эътироф этсак оз. Эл тинчлиги ва фаровонлигини янада мустаҳкамлаш нафақат соҳа заҳматкашлари, балки юртимиз ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир.

С. РАХИМОВ.

# АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ОНА ВА БОЛА ТАЛКИНИ

**Шарифи ҳадисда, жаннат аёллар оёғи остидадур, дейилган. Инсоният яратилгандан бери унинг шаънига кўплаб шеърлар бағишиланган.**

Улуғ шоир Навоий ҳам аёлнинг латофати, назокати, илҳомбахш юриши турини ҳақида фоят гўзал, ҳароратли фикр, қарашларини назм ипига терган. Беш доистондан таркиб топган «Хамса»да эса аёлларнинг, оналарнинг бетакрор тимсолларини яратган. Шоир Лайли, Ширин, Мехинбону, Дилором, Мехр, Луббати, Чинийарнинг ҳаёти, табиати, хулқи мисолида гўзалик, нафосат, вафсадоқат, меҳр-мурувват, инсонийлик, жасорат, журъат каби фазилат-ҳосиятларни васф этади.

Лайлининг ва Мажнуннинг, Фарҳоднинг ва Искандарнинг оналари тимсолида аёлларга хос бўлган фарзандига нисбатан қайноқ меҳр, орзуларига қанот бўлиш, аламларига ҳамдардлик қилиш, юрак-юракдан бахти бўлишларини исташ каби фоятар тараннум этилади.

Фарҳод ўлими олдидан онасини ёдга олиб, бу фамдан не чоғлик қайгуга тушишини тасаввур қиласди:

«Қўзим, ёлғизим, жоним ипига боғланганим», деб йиги солади. Шунда «сен, эй тонг ели, менингномидан онамга айт: Эй юзинг жоним куввати, изинг гарди кўзимга сурма бўлган она! Сен орқамдан эргашиб юрсин деб, бир фарзанд кўришни истадинг, жуда ҳам қаттиқ орзу қилдинг. Лекин менинг ташвишларим билан бўлиб, бир нафас ҳам кўнглинг севинмади. Ҳамиша интиборликда ва додга бўлдинг. Барча болалар майсазор ва боғларда ўйнаб юрганида, менга дард-азоблар насиб бўлган эди... Ёкут тилаган эдинг, бир пора тош топган

бўлдинг. Қуёш сўраган эдинг, бир парча ўтга, оташга эга бўлдинг. Мен улгайган сайин бечора саргардон бўлдим, диёримдан ажралиб сарсон-овора бўлдим. Сен эса жудолик оловидан кул бўлдинг. Мен сенга азоблар келтирдим, кўз ёшларим ила Каъбамни буздим. Мен энди кимман?! Менга ўлим ҳам хайф. Менга халқ куйса, мен арзимайман.

Онахон, мени ўз розилигиндан ноумид қилиб, бу билан дўзах ўтига ташлама!»

Ҳеч шубҳасизки, бу нолали нидолар заминида аччиқ ўқинч ва маънодор ишоралар бор. Фарҳод-ку севгиси йўлида азоблар чекди, кўп бунёдкорлик ишларини бажарди, дўстлик, ҳамкорлик, тинчлик-осудалик йўлида жон фило қилди. Лекин ҳаётда алдовга учиш, бемаъниликларга берилиш, соҳта шуҳратпарастлик, бебошлилка берилган фарзандлар ҳам учраб туради.

Навоий Искандарнинг ҳам ўлими олдидан уни тарбия қилган (Искандарнинг онаси кўзи ёрганида вафот этган эди) онаси

Бонуга вассият хати йўллайди: «Ҳар об бўлган танамининг жони! Бузилган вужудим қонининг бебаҳо гавҳари! Беҳуда орзулар билан ҳаётимни тутатдим. Аслида сенга ўғиллик қилсан, хизматингда бўлсан; осто-нанг тупроғини шоҳликдан баланд билсан бўлмасмиди?.. Сен жаҳон аҳлини энг доносисан, энди бошқа оналар каби ўелинг мотамида сочинги юлма.

Афлотун: Бону замона-мизни энг нодир кишиларидан бўлиб, шер аёлдир... Умидимиз шулки, тангри бу фам-андуҳнинг бирига минг яхшилик ато этгай!

Сукрот: Бону! Сен энг

Агар сабр қилишга бардошинг етмаса, ҳиммат билан бир маърака туз. Хонадонинг айвонига катта кичикларни чақир, дастурхонга неъматларни тўкиб сол ва уларга: бу таомларни ҳеч кими ўлмаганлар есин деб айт. Шунда бирорта одам дастурхонга кўл узатмайди. Бу дунёдаги ҳаёт шундай эканлигига амин бўлганингдан кейин хулоса чиқарасан — менинг фамимда азоб чекиши, оҳ уришни бас қилиб, дунёдаги яхшиларга яқин бўлиб, ўзингни овунтириб, тоат ибодат қилиб, дуолар билан руҳимни шод айлагил. Мен сенинг амр-фармонингта бўйсунмаган эсам-да, лекин сен менинг бу илтиносимни қабул айла!»

Навоий Искандарнинг бу васиятномасида ҳам ёшларга, фарзандларга қаратилган панд-насиҳат,

## МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

АЛИШЕР НАВОЙ



огоҳлантириш мазмуни бор. Онанинг розилигини ўтар пайтда эмас, бутун ҳаёт давомида олиб яшаш керак, деган доно ўтил бор.

Навоий Искандар таъзиясига келган буюк олимларнинг Бонуга тасалли, таскин билдириб айтган сўзлари оналарга мадҳиялар бўлиб, шоир оналар сиймосида нималарни кўради ва қандай таърифталькин қиласди?

Афлотун: Бону замона-мизни энг нодир кишиларидан бўлиб, шер аёлдир... Умидимиз шулки, тангри бу фам-андуҳнинг бирига минг яхшилик ато этгай!

Сукрот: Бону! Сен энг стук, баркамол одамсан, ҳаёт билим ва доиниши заволга учратмай...

Балинос: Етти иқлиму тўрт унсурдан, яъни тупроқ, сув, ўт ва ҳаводан иборат бўлмиш етти атою тўрт ано сенингдек ҳушёр ва доно қизни яна топомаса керак. Сенинг ақлингда ҳақиқат нури бор, бу тангри марҳаматидан нишонадир. Биз ишонамизки, сен бундан сўнг ҳам муносаб ишлар билан машғул бўласан...

Сукрот: Эй фусса чекишида тоғ каби вазмин

Бону!.. Кимгаким, азалдан ақл ёр бўлса, шу ақлнинг мададида ҳамма ишларни тушунади. Юз туман шукрлар бўлсинки, ҳақ таоло сени ақи ҳазинасидан баҳраманд қилган.

Хурмус: Сенга тангри билимдонлик ато айлади, насиҳатгўйлик фазилатини берди... Сенга ақли стук бўлмаган одамгина насиҳат қиласди.

Фарфунъс: Эй илмҳикмат фазилатларидан баҳраманд, сўзи гавҳар, бебаҳо зот! Ақл сени мұхтарам қилганини, тутган ишларига ҳамма билармон қойилдурулар. Сенга шундай фазилатлар бағишиланган экан, бунга кўпдан-кўп шукр қилган вожибидир.

Арасту: Бонунинг иқбалини тангри янада баланд айласин, ҳар вақт ҳуштолеъ ва ҳушбахт бўлсинлар.

Уларга жавобан Бону «Искандарнинг билими, ҳоли, аҳволи сизларга маълум. Ҳамдардлар ёнида бўлиши ҳаммага насиб бўлгай», — дейди.

Юқоридаги олимларнинг сўзлари «Хамса»да шеърий мисраларда берилган. Биз уларнинг қисқача мазмунини баён этдик. Бу олимлар турли даврларда яшаган. Лекин шоир уларни Искандар атрофига ўюштирган. Бинобарин, Искандар уларнинг илмини ўрганган ва фаолиятида уларга таянган.

Яна диққатга сазовор томони шуки, Навоий мазкур қадим юонон алломалири асарларидан хабардор бўлган, яъни у Арасту, Платон, Гипократ, Гермес, Профирис, Сократ, Апполонийларни билган.

Навоий «Хамса» таркибидағи биринчи достон — «Ҳайрат ул-аброр» нинг олтинчи мақолатини адаб масалаларига бағишилайди. Унда болани кичклигидан яхшилаб парваришилаш, тарбиялашни ўқтиради, фарзандга яхши исм кўймоқлик лозимлигини таъкидлайди.

Уни яхши, стук муаллимларга бериб, илм ва адабни ўргатишни тавсия қиласди. Лекин фарзанднинг олий бурчи ота ва онасини хурмат қилиш, сўз ва чизган чизиқларидан чиқмасликни маслаҳат кўради.

**Боини фидо айла, ато кошиғи,  
Жисмни қил садқа ано бошиға  
Тун-кунунгга айлагали нур пош,  
Бирисин ой англа, бири син ўёш.  
Сўзларидан чекма қалам ташқари,  
Хатларидин қўйма қадам ташқари.  
Бўлсун адаб бирла бари хизматинг...**

Навоийнинг боинқа асарларида ҳам оналар ҳақида, уларни хурматлаш ва эъзозлаш борасида кўплаб ажойиб, бетакрор фикрларни ўқиши мумкин. Фарзандлар ҳақида гап борар экан, аввало ва ҳар доим ота ва она измиди бўлиши ҳамда уларга сидқидилдан хизмат қилиши шарт эканлигига алоҳида тўхталиб ўтилади.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг асарларини қайта-қайта мутолаа қилиш билан бирга уларда тараннум этилган юксак инсоний фазилатларни ўзимизга сингдириб олсан оналарни янада кўпроқ хурмат қилишни ўрганамиз.

**Сўйима ФАНИЕВА,  
навоийшунос олима.**



АЛИШЕР НАВОЙ

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

**Ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқаролар билан энг кўп мулоқотда бўладиган, уларнинг кундаклик ҳаётида юзага келган муаммоларни ҳал этадиган профилактика инспекторлари фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиласяпти.**

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 190 та милиция таянч пунктлари ташкил қилиниб, уларнинг барчасида профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги ўрнатилган. Айни кунларда Бофот, Хонқа ва Урганч туманларида янги замонавий қўринишдаги милиция таянч пунктлари қурилиши жадаллик билан олиб бориласяпти. Йил

## ХАЛҚ ИШОНЧИ – УЛУФ БАХТ

мобайнида ўз ҳудудида биронта ҳам жиноят содир этилмаган 6 та милиция таянч пунктлага «Тико» ва «Матиз» русумли автомобиллар берилди.

Яқинда вилоятдаги Огаҳий номидаги мусиқали драма ва комедия

театрида профилактика хизмати ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унивилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Шавкат Ибрагимов очди ва соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифаларга тўхталди. Учрашувда сўзга чиқсан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Самандар Полвонов эл-юрт тинчлигини таъминлаш-

дек шарафли ҳамда масъулиятли ишда ички ишлар ходимлари, шу жумладан профилактика инспекторларининг келгуси вазифаларига алоҳида тўхталди.

Тадбирда шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ижобий натижаларга эришиб, алоҳида ўрнак кўрсатган профилактика инспекторлари шаҳар ва туман ҳокимларини томонидан компьютер, рангли телевизор ҳамда гиламлар билан тақдирландилар.

Шундан сўнг вилоят ҳокимлиги бўлим бошлиғи Аҳмаджон Машарипов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раиси Шуҳрат Норбовевлар сўзга чиқиб, ҳалқ осойишталигини таъминлашда фидойилик кўрсатётган инсонлар фаолиятига юқори баҳо бериб, масъулиятли ишларига муваффақиятлар тилашди.

Учрашув сўнгидаги профилактика инспекторлари, капитанлар Рашид Курбонов, Кудрат Сайдов, катта лейтенант Аброр Ражаббоевлар кўрсатилётган эътибор учун миннатдорчилик билдиришиди.

Худойберган ЖАББОРОВ.



Суратда: вилоят ҳокимлиги бўлим бошлиғи Аҳмаджон Машарипов профилактика инспекторларига совғалар топширмоқда.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

«Пул топиб, ақл топмаган» деган гапни эшитган бўлсангиз керак. Одатда топган пулини ақл билан ишлатмай, чирт пиртга сарфлаб юборадиганларга нисбатан шундай дейишиди. Хўш, унақада не-не машиқатлар, пешона тери билан тўплаган мол-мулкининг ишончли қўриқланиши тадоригини кўрмайдиган кишилар ҳақида нима дейиши керак? Улар меҳнатларининг қадрига етганларида хонадонларини, хусусий корхоналари ёки дўконларини жойлардаги ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш хизматига қўриқлаш учун топширган бўлар эдилар.

Мен бу гапни бекорга айтётганим йўқ. «Уйимизга ўзимиз йўқлигимизда қўни-қўшнилар қараб туради, дўконими ўзим ёллаган қоровул қўриқлади», деб бепарво бўлманг. Кейин афсус чекиб юрманг. «Чумчук сўйиса ҳам қасоб сўйисин» деб бекорга айтилмаган. Арзимас чиқимдан қочиб, катта пулга куйиб қолманг. Билсангиз, аксар ўғриликлар айнан қўриқланмайдиган хонадонлар ва корхоналарда юз беради. Марказий қўриқлаш пультига уланган ёки ички ишлар ходимлари томонидан

қўриқланадиган объектларда эса бундай ҳолат кузатилмайди. Фикримизни Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими мисолида исботлашга уриниб кўрсам. Ушбу бўлими томонидан қўриққа олинган ҳалқ ҳўжалик объектлари, 130 дан ошиқ хонадон янгитдан қўриққа олинди.

Бухоролик қўриқлаш хизмати ходимлари хизмат йўналишларига яқин жойлашган, қўриқланмайдиган объектларда содир этилган 5 та ўғрилини шахсан ўзлари фош этишиди. Шу ўринда 1-2 та мисол келтиришам. З. Носиркул ўзининг «ВАЗ – 2121» русумли машинасида кетаётганида тўхтатиб текширилди. Шунда автомашинада темир идиша ҳеч қандай ҳужжатсиз 205 литр дизель ёқилғисини олиб кетаётгани аниқланди.

Кечаси соат 23.30 лар чамаси Бухоро тумани ИИБ ҳузуридаги ҚБ МКП тезкор ҳаралари хизматда ўтган йили ҳам

**ХИЗМАТЛАРДА**

## ОСОЙИШТАЛИК ЎЗ ҚУЛИМИЗДА

Вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг саъ-ҳаракатлари билан йилнинг ўтган даврида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, ҳаракат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, содир этилган оғир турдаги жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22, ўғирлар эса 15 foизга камайди.

Маълумки, жойларда жамоат тартибини саклаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашла профилактика инспекторларига катта масъулият юкланмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги 284 та милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари фаолият олиб боришимоқда. Яқинда чекка Улуғнор туманида 6 та, Андикон шаҳрида 2 та милиция таянч пунктлари маъмурӣ бинолари тўла таъмирдан чиқарилди.

Ўтган даврда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган ташкилий ва амалий ишлар натижасида ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида босқичма-босқич комплекс тадбирлар амалга оширилди. Шундай тадбирларнинг бирида Андикон шаҳрида яшовчи 3. Илҳом компьютер ёрдамида сўмнинг қалбаки нусхаларини тайёрлаганлиги маълум бўлди. Унинг хоналони текширилганда бир нечта туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, олий маълумот олганлиги ҳақидаги дипломларнинг қалбаки нусхалари топиди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя қилишлари, уларнинг келиб-кетишилари ва яшашларини тартибга солиши бўйича ўтказилган кенг қарорларни тадбирларда паспорт тизими қоидаларини бузган 11 минг 704 нафар шахсга нисбатан маъмурӣ чоралар кўрилди. Товар-моддий бойликларни ноқонуний равишда республикадан четта олиб чиқиб кетишишини аниқлашга қарорларни ишлар натижасида 155 та ҳолат қайд этилиб, 86 миллион сўмлик маҳсулотлар ушлаб қолинди. Жумладан, «32-Боғишамол» ЙПХ масканида ички ишлар ходимлари М. Сайд бошқарувидаги «Жигули» русумли автомашинани тўхтатиб текширишганда, юхона ва салонда кўшни давлатда олиб кетилаётган бир тоннага яқин қора метал парчалари борлиги аниқланди. Пахтаобод тумани Маданият қишлоғида яшовчи, муқаддам судланган Р. Одилжон эса жиноят гурӯҳ тушиб, Қирғизистон Республикасидан катта микдорда шакар маҳсулотларини ноконуний йўллар билан олиб кириб сотиш билан шуғулланган. Хозирда мазкур гурӯҳ фаолиятига чек қўйилди.

Олиб бориляётган ишлар эл-юрт осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият қаеб этмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, лоқайдлик, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўтиборсизлик кўплаб ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш нафақат ички ишлар ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг доимий вазифаси бўлиши керак. Зоро, огоҳлик, хушёрлик бор жойда турмушимиз осойишта, тинч кечади. Шундай экан, осойишталик ўз қўлимида эканлитини асло унутмайлик.

**Искандар ИСМОИЛОВ,**  
полковник.

## МОЛ-МУЛКИНГИЗНИНГ ҚАДРИГА ЕТСАНГИЗ

яхши натижаларга эришган эдилар. Шунинг учун ҳам мулк эгаларининг уларга бўлган ишончи тобора ортмоқда. Шу йил ҳисобидан 100 га яқин ҳалқ ҳўжалик объектлари, 130 дан ошиқ хонадон янгитдан қўриққа олинди.

Бухоролик қўриқлаш хизмати ходимлари хизмат йўналишларига яқин жойлашган, қўриқланмайдиган объектларда содир этилган 5 та ўғрилини шахсан ўзлари фош этишиди. Шу ўринда 1-2 та мисол келтиришам. З. Носиркул ўзининг «ВАЗ – 2121» русумли машинасида кетаётганида тўхтатиб текширилди. Шунда автомашинада темир идиша ҳеч қандай ҳужжатсиз 205 литр дизель ёқилғисини олиб кетаётгани аниқланди.

Кечаси соат 23.30 лар чамаси Бухоро тумани ИИБ ҳузуридаги ҚБ МКП тезкор ҳаралари хизматда ўтган йили ҳам

каби бир қатор спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам уларнинг касб маҳорати не ёғли юқори эканлитидан далолат беради.

Замон ушбу соҳа вакилларидан ҳам ҳар қандай мурakkab вазиятда аниқ, тез ва тўғри ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Шунинг учун қўриқланадиган ўта муҳим, тоифаланган объектларда террорчиллик, кўпорувчилик ҳолатлари содир этилиши эҳтимоли туғилганда кўриладиган чора-тадбирлар бўйича бир қатор амалий маҳсус-тактик машиулотлар ўтказилди. Уларнинг натижалари шахсий таркиб ўтасида кенг муҳокама қилиниб, йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хуллас, Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари эришган ютуқлари билан чекланиб қолишаётгани йўқ. Улар касб маҳоратларини янада ошириш устида тинмай излашишмоқда. Зоро, зиммаларидаги масъулият, эл ишончи шуну тақозо этади.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБЛАРИ

# ЖИҲАТАДАН ИБРАТЛАЙ

Табиатда турли хил оғатлар бор. Улардан бири – қор кўчкиси. Асосан тогли ҳудудларда рўй берадиган бу оғат ҳам кўплаб кишиларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлади. Мамлакатимиз пойтахтини водий вилоятлари билан боғлаб турган, Қирғизистон ва Хитой томон йўналган ҳалқаро йўл ўтган Қамчиқ довонида хизмат ўтаётган Наманганд вилояти ИИБ ЁХБ 7-ҳарбийлаштирил-

ган ёнгин хавфсизлиги қисми ходимлари довонда ишлаётган йўллардан фойдаланиш ва таъмилаш корхонаси ишчиларининг ётоқхонаси қор кўчкиси остида қолгани ҳақида хабар олишади.

Қисм бошлиги, капитан Алижон Паттаев шахсий таркиби тезда воқеа жойига олиб боради Бўгал ўт ўчирувчилар ёнгин билан курашмайдилар, балки қор ўюмлари орасидан одамларни кутка-

риб оладилар. Айниқса, Алижон Паттаев бутун гайратини, куч-кувватини ишга солиб, бошқаларга намуна бўлади.

Инсон ҳаёти ҳар нарсадан қадрли, – дейди капитан А. Паттаев, – Воқеа бўлиб ўтганига бир ярим йилдан ошди. Биз етиб борганимизда ётоқхона тўла қор ўюми остида қолганди. Мен ходимларга «биринчи галда одамларни куткарайлик, уларни уйларида бола-чақаси кутиб ўтириди. Ўзингизни ана шу қор тагида қолиб кетганлар ўрнига қўйиб кўринг», – дедим.

Дарҳақиқат, ўт ўчирувчилар ҳар ғал ёнгин оғати рўй берган жойга борганда, биринчи галда олов ичидаги қолгани одамларни куткаришга киришадилар. А. Паттаевнинг довонида кўрсатган мардлиги Республикализ Президенти томонидан муносаб тақдирланиб, «Жасорат» медали берилди.

Кишиларни турли бало, оғатлардан асраш улуғ савобли иш эканлиги муқаддас Ҳадиси шарифда ҳам таъкидланган. Рўй берган ёнгинни ўчириб, одамларни оғат чан-

галидан куткарадиган ўт ўчирувчилар ана шундай савобли ишни амалга оширадилар. Шаҳар, қишлоқларда ёнгин содир бўлса, уни бартараф этишига анча куч сарф этилади. Тоғли ҳудудларда эса яна икки ҳисса маҳорат, билим бўлиши керак, Айниқса, қишининг изғиринли кунларида ҳаво янада совуқ бўлади. Баҳорда эса тез-тез ёмғир, жала қўйиб



туради. Табиатнинг бундай инжиқ шароитида ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бироқ А. Паттаев раҳбарлик қилаётган қисм жамоаси ўз вазифасини сидқидилдан бажарип келмоқда. Йилдан йилга ёнгинлар сони камайиб бораётгани, аввало, ходимларнинг жойларда ўтказётган сұхбатлари, фуқароларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини яхши тушунтира олишаётган.

**Феруза САҶДУЛЛАЕВА,**  
майор.  
Суратда А. Паттаев қизи билан.

## СУРАТЛИ ЛАВҲА

бирон иш билан юргандирда, пул бермади, деганди юзи аралаш қулогига тушган тарсакидан бир оз караҳт бўлиб қолди. Собир эса уйни титища давом этди. Шунда момо кўчага қараб қочаркан, оёғи тойиб йиқилиб тушди. Унинг ортидан қувиб келган йигит бикинига бор кучи билан тепди. Юзтубан йиқидган кампир ерга тирмашиб, судрала бошлади. Бошига теккан зарбдан сўнг хушидан кетди.

Собир кампирнинг жим бўлиб қолганини кўриб, олдинига мугомбирлик қилаяти, деб ўйлади. Сўниб бораётган кўзларига қараб қўлини силтади-да, кўчага чиқиб кетди.

Олим бобо катта ўғлиницида туни билан алаҳлаб чиқди. Эрта тонгда уйига олиб бориб қўишиларини илтимос қилди. Катта ўғли дада бизларницида яшайверинглар деб ёлворди. Бобо эса сизларницида яшасак, уканг уйни сотиб юборади, деди. Отасининг феълини яхши билган ўғил бу ҳақда ортиқча гап очмади. Уни суюб уйига кузатиб қўиди. Ота-бала кўчага эшикдан кирибоқ ҳовлида жасадни кўришиди.

Собир шу кетишида уйига бориб хуморнинг зўридан оғриқча чилолмай, тўлғана тонгта қадар ётди. Тонг отиши олдидан у тахталек қотиб қолди. Укасини ётган еридан судраб урмоқчи бўлган ака унинг жасадига рўбару бўлди.

Олим бобо Собир ҳақидаги хабарни эшитди. Ўли ва ёстиқдошининг тобути кўтариб ўтилган йўлдан бир ҳафталан сўнг Олим бобонинг тобути ҳам олиб ўтилди.

**Шоира ДОНИЁРОВА.**

ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

# САЛОМАТЛЫК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

**Тарихий манбаларга қараганда, Агра шаҳрида бетоб ётган Бобуршоҳ жаннатмакон юртимизнинг қовуиларини қаттиқ соғинган экан. Олис йўл босган карвон ниҳоят Агра шаҳрига етиб келади. Согалар орасида тилими тилни ёрадиган қовуилар бор эди. Шаҳаншоҳ лабида табассум, кўзда ёши билан қовуиларни кўксига босади. Ватан соғинчи қалбини ўртаган шоирнинг ўтили сатрлари қоғозга тушади.**

«Қовун бирла узумни ҳажрида Кўнглим ғам ҳар сув, Оқар сувнинг фирқидан

**Кўзимда ҳар дам оқар сув».**

Қовуннинг ватани Марказий Осиё. У кейинчалик Кавказ орти, Украина, Молдова, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, бошқа мамлакатларда ҳам экила бошлаган. Қовун эл суйган неъматгина бўлиб қолмасдан, унинг шифобахш хосиятлари талайгина. У жуда қадим замонлардан бўён дардга малҳам бўлиб келган. Мирзо Бобурни соғинтирганий бу неъматнинг шифобахш хислатларини улуғ аллома Абу али Ибн Сино шундай таърифлаган: «Қовуннинг

ниқса, буйраги ва қовутида майда тошлар бўлган беморлар учун фойдалидир...

Қовунда ҳам анор каби жаннат сувидан бир қатра бор. Жаннат сувидан баҳраманд бўлмоқ учун унинг эти ва сувини зое қўлмасдан емоқ лозим. Ҳадисда келтирилишича, — қовун таом, райҳон ва нон кабидир. Чунки у очликни кетказади, чанқоқни босади, хушбўй ҳид таратади, ботин (ички аъзолар)ни

Шуниси қизиқки, қовун таркибида олтин бор. Шу билан бирга, мевасида қанд, пектин

ликда, паришонхотирлик, бод, беланги, сил, жигар, буйрак хасталикларини даволашда ишлатилади.

безларининг яллиганиши — ангина ва бронхитда қовун пўчоғидан кўкрак ва томоқ соҳасига компресс қилиб қўйилса наф беради.

• Обиноввот ва кампир чопон шарбатини пневмониядан сўнг ичиш, зиққинафас билан оғриланлар эса хуружлар оралиғида ичиши фойдалидир.

• Лат еган, кўкарған ёки жароҳатланган жойга қовун пўчоғини қўйсангиз тезроқ тузалади.

• Қовунли обзан (ванна) аллергиядан холос этади. Бунинг учун 36-37 даражада ҳароратдаги сувга бир стакан қовун шарбати ёки бўлаклари солинади. Муолажани етти марта бажариш керак.

• Қовундаги целлюлоза киши танасидан ортиқча холестеринни чиқаришда ажойиб малҳам бўла олади.

Шуни ёдда тутинг: бирданига жуда кўп қовун истеъмол қилиш ичакни зўриқтиради ва ичак санчига мубтало қилиши мумкин.

Қовунни таомдан 2 соат кейин истеъмол қилинг, чунки уни бошқа озуқалар билан аралаштириб бўлмайди. Қовун айниқса сут, қатиқ, тухум билан чиқиши майди. Қовунни спиртли ичимликлар, асал, совуқ сув билан еб бўлмайди, чунки бунда ичбуруғ, оғир ичкетар каби ичак хасталиклигига дучор бўлиш мумкин. Қовунни оч қоринга истеъмол қилиб бўлмайди.

Конни суюлтиради, тез ҳазм бўлади, тер ва пешоб ҳайдовчи хосияти бор. Асадни тинчлантиради. Ични юмшатади, бавосилда ажойиб малҳамдир. Қовун уруғи эмульсия ҳолида ҳуснбузар, сепкилни кеткашишга фойдалиди. Буйрактош касаллигига наф беради. Бунинг учун қовун уруғи ҳовончада обдон майдаланади, сўнгра қайнот сув астасекин қўшилиб, аралаштирилади. Ҳосил бўлган эзилмани докадан сузиб олинади ва ярим пиёладан 3 марта таомдан олдин ичилади. Ярим пиёла қовун уруғини янчидан ейилса, жигардаги тикинларни очади:

Халқ табобатида қовун қўйидагича қўлланилади.


• Бош оғригандо шошилмасдан 3 тилим қовун ейилса, дардардан фориг қиласи:

• Бутун танадаги сув-туз мўтадиллигини меъёрлаштиради.

• Бурундан қон кетгандо, қовун пўчоғидан шарбат тайёрлаб, 3 томчи томизиш даркор.

• Бодомча

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**  
доришунос.



## ШАҲАНШОҲНИИ СОҒИНТИРГАН НЕЙМАТ

ва ичидаги бошқа нарсалари сепкил, доғ, бошнинг кепагини ювади, нутфани кўпайтиради, юз рангини соф ва оғизни хушбўй қиласи. Бош оғригини манглайга ёпиширилса, кўзга тушадиган наzlаларга тўсқинлик қиласи. Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам сийдик ҳайдайди. Ай-

тозалайди. Шунингдек, у қовуқ ва қоринни ювади, нутфани кўпайтиради, юз рангини соф ва оғизни хушбўй қиласи. Бош оғригини манглайга ёпиширилса, кўзга тушадиган наzlаларга тўсқинлик қиласи. Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам сийдик ҳайдайди. Ай-

моддалари, органик кислоталар — лимон, шавел, олма, С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>15</sub>, дармондорилари, каротин, крахмал сақлайди. Магний, фосфор, олтингурут, темир, фтор, рух кабилар ҳам таркибида жо бўлган. Шулар туфайли қовун камқон-

## АГАР БОШ ОФРИСА...

«Кейинги пайтда тез-тез бошим оғриб туради. Халқ табобатида бош оғригига даво бўладиган муолажалар ҳақида билмоқчи эдим.

**Юлдуз КАРИМОВА,  
Янгиёйл шаҳри»**

Одатда бош оғриги турли сабаблар туфайли содир бўлади. Масалан, шамоллаш, турли заҳарланиш — ис-тегиши, кимёвий моддалардан заҳарланиш, шунингдек, дик-қатликтан, ўта чарчацдан, шовқин-сурондан, салбий ҳолатлардан бош лорсиллайди, сиқиб оғриши мумкин. Бундай дамларда, аввало, бош оғригига сабабчи омиллардан холи бўлишига ҳаракат қилиш керак. Ҳалқимиз қўп асрлардан бери турли хил касалликларни табиий воситалар ёрдамида даволаб келади. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деб бежиз айтпилмайди. Чунки, бирор ери оғриб турган киши, нимадан даво топса шунга ўрганади. Жумладан, боши оғриган кишилар учун ҳам ўлкамизда ўсадиган гиёҳлар, мева ва сабзавотлар дори бўлади, албатта. Қўйида шулардан кенг кўлланиладиганларини тавсия этилди.

• Ёнгоқнинг кўк қобигини эзib, хина билан аралашириб, бошга сургилса, оғригини қолдирали.

• Агар бош айланса, сүмбул ўсимлигини қайнатиб ичилса, эм бўлади.

• Бинафа гули ҳам бош оғригига даво. Бунинг учун гули япроқларини бошга боғлаш керак бўлади.

• Мойичекач гулини чой каби дамлаб, ичиб турйласи мия ва бош оғригини қолдирали.




• Исмалоқ ўти шарбатидан 2 ош қошиқдан ичиш, миянинг лорсиллаб оғришидан халос этади.

• Бўйимодарон ўсимлиги дамламаси бош оғрикни колдиришда ажойиб малҳамдир.

• Ёнгоқзор боги ҳавосида сайр этиш ҳам бош оғригига яхши фойда келтиради.

• Зирк меваси шароби бош оғританда малҳам бўла олади.

• Тумов, шамоллаш билан боғлиқ бош оғриқда седаннинг сиркадаги дамламаси ҳидланса дардга даво бўлади.



## ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Хитой поятакти Пекин шаҳрида енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган XI жаҳон чемпионатида 180 дан зиёд мамлакат вакиллари қаторида ўзбекистонлик спортчилар ҳам мусавфақиятли иштирок этишиди.

## СВЕТЛАНА – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Айниқса, баландликка сакраш бўйича олтин медал учун кечган баҳс қизиқарли бўлди. Мусобақа ҳакамлари тўсиқ баландлигини 1 метру 88 сантиметрга кўтартганида уни забт этишини фақат икки нафар спортчи – ҳамюртимиз Светлана Радзивил ва олтин медал учун асосий даъвогар – хитойлик Синхуань Чжен удалади, холос.

... Ниҳоят, икки спортчи ўртасида жаҳон чемпионлиги учун рақобат бошлини. Тўсиқ бир метру тўқсон бир сантиметр баландликка ўрнатилди. Ҳар икки спортчининг дастлабки уриниши бекор кетди. Кўп минг сонли стадион хитойлик спортчини қўллаб-куватлаб турган бир пайтда бутун маҳоратини ишга соглан ўзбекистонлик спортчи бу баландликини ҳам маҳорат билан забт этди. Синхуань Чжен уч уринишда ҳам бир метру тўқсон бир сантиметрлик баландликтан ўтолмади ва кумуш медал билан кифояланишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган Светлана Радзивил шараfiga Пекиндаги стадион узра давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилиди. Айтиш жоизки, бу ўзбекистонлик спортчиларнинг ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида қўлга киритган учинчи олтин медалидир.

ЎзА.

Ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпионатининг навбатдаги беллашувлари Андижон вилоятида бўлиб ўтди. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг кутилмаган вазиятларда маҳорат кўрсатиб ўт ўчириш воситаларини тезкорлик ва чаққонлик билан қўллашлари, инсонларни ёнгин оғатидан кутқариб, давлат ва фуқаролар мол-мулжаларини сақлаб қолишилари яна бир синовдан ўтказилди.

Чемпионатни вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Б. Сидиков очиб, қатнашчиларга омад тилауди.

Андижон шаҳрининг «Наврўз» ва «Динамо» ўйингоҳларида Қорақалпо-

ғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳри, Навоий тоғкон металлургия комбинати ва ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабидан келган жамоалар ўзаро беллашдилар. Мусобақанинг биринчи кунлариданоқ спортчилар пухта тайёргарлик кўришганини намойиш этишига ҳаракат қилиши. Шуни айтиб ўтиш жоизки, Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё, Жizzах ва Андижон вилоятлари жамоалари фаол иштирок этдилар.

Уч кун давомида қатнашчилар амалий спортнинг 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4 қаватига

## ЧАҚҚОНЛАР ДОИМ ФОЛИБ

кўтарилиш, махсус йигиладиган уч тирсакли нарвонда миноранинг 3-қаватига кўтарилиш, ёнгин ўчириш эстафетаси ва бошқа турдаги беллашувларда куч синашишиди. 100 метр масофага тўсиқлар оша югуриша қашқадарёлик Р. Рўзиев энг чақон деб топилди. Жizzах вилоятидан И. Оловуддинов ва Тошкент шаҳрилик У. Болибековлар иккичи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Ёнгин ўчириш эстафетасида жиззахликлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишиди. Қашқадарёвилоти вакиллари иккичи, бу

чи, бутороликлар учинчи ўринни олдилар. Ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилишда яна қашқадарёлик Р. Рўзиев голиб бўлди Тошкент шаҳрилик Б. Дудниковга 2-ўрин, қашқадарёлик О. Жуманазаровга 3-ўрин берилди. Махсус йигиладиган уч тирсакли нарвонда миноранинг 3-қаватига кўтарилиш баҳсида қашқадарёлик Н. Нажмиддинов ва О. Жуманазаровлар барча жамоаларни ортда қолдирдилар. Иккичи ўринни Тошкент вилояти жамоасидан А. Абдунаиев ва М. Сухановлар, учинчи ўрин-

ни эса яна Қашқадарё вилояти жамоасидан А. Турсунов ва Р. Рўзиевлар эгаллашга мусассар бўлишиди. Мусобақанинг жанговар ёйилиш турида Жizzах, Бухоро ва Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби жамоалари энг кучли деб баҳоланди.

Умумжамоа ҳисобида бу галиги чемпионатда қашқадарёликларнинг қўли баланд келди. Жizzах ви-

лояти вакиллари иккичи ўринни олишиди. Учинчи ўриннига Бухоро вилояти вакиллари лойиқ қўрилди.

Адолатли ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра умумжамоа ҳисобида 1-ўрин вилоят ИИБ, 2-ўрин Шўрчи тумани ИИБ, 3-ўрин Жарқўргон тумани ИИБ жамоаларига насиб этди.

Халқимиз учун гоят қадрли бўлган истиқлол шараfiga ўтказилган бу спорт беллашуви бир томондан ходимларнинг жисмонан бақувват бўлишларини таъминлаб улар миллий курашимиз сирларидан нечоғли хаబардор эканликларини кўрсатди, – дейди бошқарма бошлигининг ўринбосари, подполковник X. Бегматов.

Мусобақа голибларига бошқарманинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо соввалари топширилди.

**С. НОРМУРОДОВ,**  
майор.  
Суратда: мусобақадан лавҳа.

Э. Тўляев олган сурат.

ПОЛВОНЛАР  
ГИЛАМГА ЧИҚДИЛАР

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ва қуий тизимларида байрам муносабати билан турли қизиқарли тадбирлар ўтказилалди. Жумладан, ички ишлар ходимлари ўртасида бўлиб ўтган ИИБ ППХ ва ЖТСБ катта инспектори, майор Холиёр Чориев, Денов тумани ИИБ ҳузури-

даги қўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Ҳамдам Бобоев, Шўрчи тумани ИИБ ҲООБ катта инспектори, майор Шуҳрат Бекмуродов, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони отряд командири, катта лейтенант Шуҳрат Кўчкоров ҳамда Термиз шаҳар ИИБ ЙХХГ инспектори, сер-

жант Бахтиёр Расуловлар мутлақ голибларни қўлга киритдилар.

Адолатли ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра умумжамоа ҳисобида 1-

ўрин вилоят ИИБ, 2-ўрин Шўрчи тумани ИИБ, 3-

ўрин Жарқўргон тумани ИИБ жамоаларига насиб этди.

Халқимиз учун гоят қадрли бўлган истиқлол шараfiga ўтказилган бу спорт беллашуви бир томондан ходимларнинг жисмонан бақувват бўлишларини таъминлаб улар миллий курашимиз сирларидан нечоғли хаబардор эканликларини кўрсатди, – дейди бошқарма бошлигининг ўринбосари, подполковник X. Бегматов.

Мусобақа голибларига бошқарманинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо соввалари топширилди.

**С. НОРМУРОДОВ,**

майор.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Э. Тўляев олган сурат.



## ЭПЧИЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

Яқинда, шунингдек Урганч шаҳар марказидаги «Динамо» спорт мажмуида Хоразм вилояти ИИБ шаҳар ва туман ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари ўртасида ҳам ёнгинни ўчириш амалий спорти бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақа қатнашчилари 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ёнгинни ўчириш эстафетаси, жанговар кийимларни кийиш, жанговар ёйилиш ҳамда арқон тортиш турлари бўйича ўзаро куч синашишилар.

Кескин ва муросасиз ўтган баҳсларда умумжамоа ҳисобида Урганч тумани ИИБ ЁХБ вакиллари биринчи, Урганч шаҳар ИИБ ЁХБ ҳамда Янгибозор тумани ИИБ ЁХБ ёнгин ўчирувчилари иккичи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Голиблар вилоят ИИБ ҳамда ЁХБнинг қимматбаҳо соввалари ҳамда Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Мусобақага таклиф қилинган Урганч шаҳридаги 2-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари «Олов – тилсиз ёв» мавzuida саҳна кўришилари намойиш этишиди. Уларнинг бу чиқиши ҳам томошибабинларда катта таассурот қолдирди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
Суратларда: мусобақадан лавҳалар  
Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.



Тұхмат либосига ўранған кімсалар ор-помус, виждан азобидан шыроқда бұлшиади. Улар қылған шиларидан гүрурланиб, күкрап керіп юриши, үзларини күз-күз қишини хүш күршиади. Аслыда бундай кімсаларда гүрүр ва штихор түйгүларшынг үзи ийк. Қадимги Рим шоури Публий Сир: «Кімки үз кирдикорларидан уялмаса, у иккі карра айбдордір», деб ёғашыда нечөсін ҳақ зди. Даражасын, орамизда шундай кімсалар борлық, улар биліб-білмай хатто қишиади-о, үз айбларини тан олишиң қытасмайды. Аксинча, уни түрги шүлга салмоқчи бұлған одамға тұхмат қишидан тойшишмайды. Келинг, шу ўринде Хоразм вилояті Урганч туманинда бўлиб ўтган бир воқеаниң жалайлик.

Шу йил 12 июль куни үз хизмат вазифасини бажараёттан вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ЙПХ отряди 2-сафарбарлық гурӯхи катта инспектори, катта лейтенант Улугбек Матқурбонов йўл ҳаракати қоидасини кўпоп равишда бузуб келаётган «Нексия» русумли автомашина ҳайдовчисига тўхташ ишорасини қилади. Аммо ҳайдовчи, 1987 йил туғилган Манучехр Сафоев бунга парво ҳам қилмай, ҳаракатни давом эттиради. У узоқ юрмай автомобилларни таъмилаш устахонаси олдига бориб тўхтайди. ЙПХ катта инспектори унинг изидан бориб, ҳайдовчига автомашинани ойналари қорайтирилган ҳолда бошқараётганини тушуниради ва хужжатларини кўрсатишни талаб қилади. Ҳайдовчи эса «Мен автомашинани бошқармаганман. У мана иккى кундирки, таъмилаш устахонасида турибди. Нега ноҳақ тұхмат қилаяпсиз, деб атрофда тўғланган одамларни үзи ўйлаб топган уйдирмага ишонтироқчи бўлади. Сўнг ЙПХ катта инспекторининг асосли сўзларидан асабийлашиб, куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлай бошлайди.

Бир оғиз ширин сўз дилни яйратиб юборади. У шундай қудратли кучга эгаки, ашаддий жиноятчи ҳам ёвуз ниятидан қайттанига кўп бор амин бўлганимиз. Кимнингдир шаънини оёқ ости қилувчи тұхматдан иборат ҳақоратомуз сўзлар бундан да даҳшатли. Бундай пайтда киши үзини қўлга олмаса, воқеа янада даҳшатлироқ тус олиши мумкин. Шундай бўлса-да, үз хизмат вазифасини ўтаётган катта лейтенант Улугбек Матқурбонов кўпчилик олдига тұхмат қилаётган ҳайдовчига босиқлик билан содир этган қоидабузарларини яна бир бор тушунтира бошлади. Ағсуски, андиша ва ориятни унугланган Манучехр қилмишидан пушаймон бўлиш ўрнига қўлидаги уяли телефон орқа-

ли онасини ёрдамга чақириди. Воқеа жойига етиб келган Нигора Сафоева бўлиб ўтган воқеани түрги таҳлил қилиб, йўл ҳаракати қоидасини бузган ўелига танбех бериш ўрнига катта лейтенант Улугбек Матқурбоновга тұхмат қилиб, уни

## ТУХМАТ



## ТОШИМ

килдади. Фазаб отига минган Нигора воқеани видеотасвирга тушириштанига ҳам парво қилмай: «Илгари биттасини кағандо қилгандим, энди сени ҳам шу кўйга соламан!», деб дўқ ура бошлади.

Миллатнинг келажаги оналар қўлида, деймиз-у, Нигоранинг қилмишини кўриб, вужудимиз түтраб кетади. Чунки у ўели Манучехни түрги йўлга солиши ўрнига уни тубисиз жарга етаклади. Йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олайтган, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаётган инспекторга тұхмат тошини отди. Ўғлини ҳам шундай қишишга унади. Хўш, бундай оналардан ибрат олиш, болалар тарбиясини уларга ишониб топшириш мумкинми?

Энди воқеанинг давомига қайтсак. ЙПХ катта инспектори Улугбек Матқурбонов үз шаънинг айтилаётган тұхматлар юрагига

наштардек санчилаетганидан азбланса-да, қонундан четта чиқмади. У ўз хизмат вазифасини босиқлик билан давом эттириди. Воқеа жойига етиб келган вилоят ИИБ ҳамда Урганч тумани ИИБ тезкор гурӯхи ходимларни шиб мажаронинг асл мөхиятини очиб беришди. Айниқса, Урганч туман прокуратораси ходимлари қонун устуворлигини таъминлаб, она ва боланинг тұхматдан иборат ёлғон кўрсатмаларини фош қилдилар. Шу куни Санжар исмли йигит воқеа жойила бўлмаса-да, ногўри кўрсатма берил, Манучехни кўллашга уринди. Аммо галвир сувдан кўтариштанды ҳаммаси ойдек равшанлашиб, у ер чизиб қолди.

Ушбу иш юзасидан терлов ҳаракатлари олиб борилди. Жиной ишлар бўйича Урганч туман судида жабрланувчи ва айборларнинг хатти-ҳаракатларига холисона баҳо берилди. Судланувчилар Манучехр Сафоев ҳамда унинг онаси үз айбларини тан олиб, катта лейтенант Улугбек Матқурбоновдан кечириб сўрашли. Суд Манучехр Сафоевни 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига, онаси Нигора Сафоевини эса 756 минг сўм миқдорда жарима тўлашга ҳукм чиқарди.

Ҳукм ўқилгач, жиной ишлар бўйича Урганч туман суди раиси Саломат Маматова билан сұхбатда бўлдик.

— Биз андишли, ориятли ҳалқимиз, — деди у. — Одатда бирорга ножўя гап айтишдан аввал ўша одам ва унинг оила аъзолари шаънини ўйлаймиз. Аммо беҳаётлик ёки мунофиқликка дуч келганимизда бу иллатдан ҳимояланишимиз учун ўзимизда куч ва ирода,

сабр-тоқат топа олишимиз керак. Инсоннинг қадр-қимматини ҳеч ким оёқости қишишга ҳаққи ийк! Бундай кімсаларга қонун йўли билан муносиб зарба беришимиш шарт. Агар автомашина ойналарини қорайтирилган ҳолда бошқарби келаётган Манучехр Сафоев ЙПХ инспекторининг қонуний талабини бажарганида бундай жиноят содир бўлмасди...

Тұхмат пуч ёнғоққа ўхшайди. У қақилдими, мағзи кўзга яққол ташланиб қолади. Тұхматчилар атрофдагиларга эзгулик уруни сочиш ўрнига беозор кишиларни хонавайрон қишиш пайида бўлишади. Лекин бундай кімсалар бир куни юқоридаги «қаҳрамонлар» сингари қилмишларидан пушаймон бўлиб, қонуний жавобгарлилкка тортилишлари аниқ.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

## БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент шаҳар ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 12 август куни Яккасарой тумани ИИБ ҲООБ ходимлари томонидан Муқимий кўчаси 64-й олдига адашиб юрган, таҳминан 5 ёшли ўғил бола олиб келлинган. Бола исмими Темур эканлигини айтган. Ота-онаси, яшаш манзили ҳақида ҳеч қандай маълумот берга олмайди.

Белгилари: бўйи 100-105 см, ўртacha гавдали, юзи чўзиқроқ, кўзлари, сочи, қошлари қора, пешонаси кент. Кийимлари: этгина кўк футболка, оч кўк рангли калта иштон, оёғида кўк рангли шиппак бор.



Тошкент шаҳар ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 12 август куни Яккасарой тумани ИИБ ҲООБ ходимлари томонидан Муқимий кўчаси 64-й олдига адашиб юрган, таҳминан 4 ёшлилардаги ўғил бола келтирилган. Бола исмими Олег деб айтган. Ота-онаси, яшаш манзили ҳақида маълумот беролмайди.

Белгилари: бўйи 95-100 см, ўртacha гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи, кўзлари қора, қоши сийрак.

Кийимлари: этгина оқ рангли футболка, кўк рангли калта иштон, оёғида кўк рангли шиппак бор.

Болаларнинг ота-онаси, қариндошлари Тошкент шаҳар ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат қилишлари мумкин.

**Телефонлар: 191-52-37, 191-34-31**

инман! Нормат кутилмаганды опасининг сочидан ушлаб, ташқарига судради. Анвар эса Мавлудани Норматнинг чангалидан кутқармокчи бўлди. Лекин Нормат уни итариб ташлаб, опасини дўпослай бошлади.

Норматнинг ҳар кунги қилмишларидан безор бўлган Анвар ертўладан болта олиб чиқиб, ҳамон Мавлудани тепклиётган қайинукасийнинг бошига урди. Болтанинг орқа томони билан урилгани боис йиқилган Норматта ташланган она-бала кўлларига кирган оташкурак, темир қозиқлар билан унинг дуч келган жойига ураверишиди...

Ярим тунда Мавлуда билан Анвар Норматнинг жасади солинган қопни қишлоқ четидан оқиб ўтувчи катта каналга ташлаб юборишиди.

Ички ишлар ходимлари олиб борган тезкор қидирив ишлари натижасида қотиллар кўлга олинди. Улар суд ҳукми билан узок муддатта озодликдан маҳрум этилдилар.

**Азизхон БУЗРУКОВ.**

## ЁВЛАШГАН ҚОНДОШЛАР

қириди Нормат, — қамалишимга сиз сабабчи бўлган сиз. Ёшлигимдан түрги тарбия бермагансиз.

— Нималар деяпсан, ука, — ўзини тутиб туролмади Мавлуда. — Сени қийинчиликлар билан вояга етказган аямда нима гуноҳ? Ҳаммасига ўзинг сабабчисан? Ким сени ўғрилик килсин, дебди!

— Сен овозингни учир! — опасига бакириди Нормат. — Ўттиз ёшга кирдинг, аммо на эринг, на боланг бор. Онамнинг нафақаси хисобига кун кўраялсан.

Худлас, Нормат қамоқдан қайтташ, хонадоннинг тинчи бузилди. Деярли ҳар куни ичиб келиб, онаси ва опасини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлар, дўқ уриб кўркитарди. Онаси ва опасига унинг бу қилмишлари опасига:

га тишини-тишига қўйиб чидашар, инсофга кириб қолар, деган умид билан яшардилар.

— Укянгинг гапларига хафа бўлма, — дерди Зулфия ая қизини юнатиб. — У ҳаётдан, ўз ўрнини топа олмай қийилянтигти. Унинг тенгдошлари аллақачон оиласи, фарзанди бўлиб кетишиган. У бўлса сўқабош. Шу боис, аламини биздан оляяти, балки ўйлантириб кўйсак ҳаммаси жойига тушиб кетар...

Кунлар ўтган сайн Норматнинг онаси ва опасига қилган зуғумлари ортиб борарди. Бора-бора нижозлар даҳанаки жангларга айланди. Бу орада у опаси бегона эркак билан пинхона утрашиб туринини сезиб қолди. Навбатдаги жанжаллардан бирида опасига:

— Ўша саёни бошингга урасанми? Насл-насабини ҳеч ким билмайди. Шу ҳам эркакми, латта-кунинг, — деди.

Мавлуда билан Анвар унинг сўзларини эшитишса да, лом-мим демай чидашарди. Ўша оқим Норматтага оладагилек маҳалда кириб келди. Оила аъзолари кечки овқат устида ўтиришарди.

— Кутмаган эдинглар-а? Ҳамма жамуљжам, фақат мен йўқман. Бу хонадонга бегонаман-да, — хоҳолаб сунъий кулди Нормат ва хонтахта ёнига ўтироқчи бўлган эди, йиқилиб тушди. Даастурхон четини ушлаб турмоқчи бўлиб уни тортиган эди, овқат солинган идишлар ерга тушиб чил-чил синди.

— Ўйдан ҳамма чиқиб кетсин. Бу ерда мен хўжай-

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

**МОХИР АКА**

...ИИВ Жиноят қидирив бош бошқармаси бошлиғи, полковник Мохир ака Дадажонов умрининг салкам ўтиз йилини шу соҳада ўтказган. Туман, шаҳар, вилоят ички ишлар идораларида ишлаб, касб сир-синоатларини мукаммал ўрганган. Ҳозирда ўз тажрибасини ёшлар билан баҳам кўрдиган. Бош бошқармага унинг сайд-ҳаракатлари билан тажрибали изкуварлар таклиф этилди.

Келес дарёси соҳилидаги воқеалар айни авж олган бир пайтда асосий масъулити полковник Мохир ака Дадажонов жамоаси зиммасига тушиб. Тезкор суринтирув-қидирив ишлари бошлаб юборилди. Ўтказиладиган навбатдаги тезкор операция режаси устида астойдил ишланмоқда. Лекин ҳозирча кўнгилдаги натижани бермаядиган. Нега?

Эшик очилиб, Мохир аканинг хаёли бўлинди.

- Рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ!
- Келинг, Шокаримжон.
- Чакиртирган экансиз.
- Ҳа, Келесдаги ишлар нима бўляпти? Яна бирор янгилик борми?

- Бор, ўртоқ бошлиқ!
- Ҳўш, қанақа янгилик?
- Дастрлабки олти мурданинг шахси деярли аниқланди, ҳисоби.
- Деярли деганингиз нимаси?

Улар кимлар экан?

— Дарёдан топилгандарнинг айримлари пойтахтга картошка сотгани келган дехқонлар бўлиб чиқиши. Уларни қариндошлари ҳам қидириб юришган экан.

— Демак, барча дехқон бозорларини текшириб чиқиш керак. Шу иш билан ўзингиз шугулланинг.

- Ҳўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!
- Дарвоқе, қолган мурдаларнинг шахслари қачон маълум бўлади?

- Узоги билан бир-икки соатда маълумот тайёр бўлади.

— Демак, қариндошлари томонидан топиб, аниқланган мурдаларнинг суратлари жуда зарур бўлади. Айтсандай, кечкурунги тезкор йиғилишга бу ҳақда батафсил ахборот тайёрланг.

- Тушунарли, ўртоқ бошлиқ, Кетишига рухсат этинг.
- Рухсат.

«Дуруст, — деб ўйлади Мохир Дадажонов, ҳодим кетгач. — Ниҳоят калаванинг учи топилганга ўхшидай. Шу бирор ҳафтага қотиллар аниқланиб, қўлга олинса, нур устига аъло нур бўларди-да. Бу жуда катта жиноят иши. Демак, ушунан жинойи гуруҳ ишлайти. Шунинг учун режалаштирилаётган операцияни муваффақиятли амала ошириш ҳам осон кечмайди. Ҳар бир ишни пухта ўйлаш керак. Бутунги тезкор йиғилишда яна бир неча жўяли маслаҳат ва таҳминларни илгари сурини керак-ка ўхшайди. Гап бу жиноят иши шахсан вазир назорати остида турганида эмас, ахир. Илдиз отиб кетган жаллодлар тұдасини тағ-томири билан йўқ қилиб, бизга ишонган ҳалқ олдида юзимизни ёруғ қилиб олишида».

**КАЛАВАНИНГ УЧИ...**

Подполковник Шокарим Усмонов бу жиноят ишини фош

этишга жалб этилгач, суринтирув-ларда анча олга силжиш бўлди. Сабаби, Шокарим фақат тор кабинетда ўтириб, кўл остидаги кишиларга иш буюришни унча ёқтирасди. Иложи борича ўзи ҳаётга, жараёнга аралашса. Жиноятни ўзи очиб, жиноятчани ўзи тутса... Ҳозир ҳам бошлиқнинг хонасидан чиқиб, шахси аниқланган марҳумлар фотосуратларини олиб, бозорлар оралади кетди. Тошкент катта шаҳар. Нима кўп, бозор кўп. Куннинг иккинчи ярмига қадар бешта бозорда бўлди.

«Юнусобод» пойтахтнинг гавжум бозорларидан бири. Шокарим мева-сабзавот растасини айланиб

**Мурод ТИЛЛАЕВ**

юрганди, жаги-жагига тегмай шанғиллаётган паттани унинг ўтибонини тортиди:

- Бутундан бошлаб патта беш сўм дедимми, беш сўм. Мана, ёнимда бўйруқ ҳам бор. Ахир, ўн қоп пиёз сотиб, беш сўмгина жой ҳақи тўлагани ҳам қорнингиз оғрийдими?

Чакмонини ерга ташлаб ўтирган дехқон ўриидан қўзғалиб, паттанига алланарсанни тушунтирган бўлди.

Шокарим бир оз кутиб турди. Паттанига нариги раста сари йўналганида сўз қотди:

- Оғайни, бир дақиқага мумкинми?

- Ҳўп, ҳўп. Ассалому алайкум, ака!

- Юринг, бир четга ўттайлик, маслаҳатли иши чиқиб қолди.

Улар одамлар сийракроқ жойга борганды Шокарим ёнидан гувоҳномасини олиб, ўзини танишириди:

- Вазирликдан подполковник Усмонов бўламан.

- Ака, мени кечиринг-у. Мана, ростдан ҳам патта пули уч сўмга чиқиб қоляпти...

- Йўқ, ман у ҳақда гаплашмокчи эмасман. Биласиз, биз ҳалқ билан ҳамжиҳат ишлаймиз.

- Жуда яхши айтдингиз-да, акахон! Ҳамжиҳатликда гап кўп, «милиция ҳалқнинг фарзанди», деган ажойиб бир шеър ўқиганман.

- Жуда яхши. Шеърни кейин ўқиймиз. Сиз бозорга келган деярли ҳамма дехқонларни танийсиз-а?

- Ҳаммасимас-у, лекин кўпчилигини.

- Унда манави суратдагиларни

қўринг. Бирортасини танирсиз.

Паттанини фотосуратларга тикилиб, анча ўйланиб қолди:

- Ҳозир... ҳозир... Адашмасам, булар картошка сотгани келишган эди, шекилли.

- Анави раста ҳам сизга қарайдими?

- Ҳа.

- Унда ўша ёққа юринг-чи.

Улар растага яқинлашганда, Шокарим сўради:

- Дарвоқе, исмингиз?

- Сувонқулжон.

- Жуда яхши. Сувонқулжон, шу растанинг энг фаол дехқонларидан бирортасини топиб берсангиз.

- Дехқонлар жуда унақа фаол

чўнтаклари қаппайгач, Тошкентда ўйнаб юришгандир-а? — деди кулимсираб Шокарим.

- Тирикчиликнинг айби йўқда, ука.

- Тўғри.

- Мен ҳам шу бозорда эртао кеч тирикчилик қилиб, бола-чақа бўқаман.

- Яхши-да, ахир... Қозонингиз қайнаб турса, ойлангизда камчилик бўлмаса, бундан ортиқ нарса борми дунёда!

- Энди эсмига тушди. Бир ҳафтача аввал картошкаларини сотиб бўлишган, охирида 4-5 тонна қолган эди. Ёмғир ёғаётган пайт эди. Ман айтдим: «килосига 2 сўмдан

ҳодисанинг устидан чиқишиди. Улар ҳали ичкарига кириб ултурмасдан сержант йигит каттагина тўрхалта кўттарган бир аёлни бошлаб кирди:

- Мана, яна битта чайқовчи кўлга тушди...

Бу гапни эшитган Мирзамат ака ачна довдирашиб қолди.

- Ҳа, энди бир халта картошка сотган билан чайқовчи бўл қолармиди одам? — деб ҳазиллашиб Шокарим вазиятни юмшатиш учун.

- Ахир, бу киши шаҳарнинг қўслинлар?! — ўртасида, бунинг устига «дом»да яшасалар, қанақасига дехқончилик қўслинлар?! — Сиз ёшисиз, ука, — деб шангиллай кетди «дехқон» аёл. — Нима қилий, бешта болам бор. Эрим қасал. Қўшнимдан шу картошкани олиб, нон пулига чиқувдим. Бир килоям сотмасидан гиппа бўедингиз.

- Ие, ҳали «дом»даги қўшнингиз ҳам «дехқон»ми?

- Ҳа, уч хонали секцияси тўла картошка, пиёз, сабзи, хурмо... ҳатто қовун-тарвуз ҳам уолиб ётибди!. — Аёл шу гапни айтишга айтидии, ўрингиздан бирдан жимиб қолди.

Хонага сукунат чўқди. Демак, номаъқулроқ гап айтилди. Бу жимлик таъсири Шокаримга ҳам юқди. «Шошма, нималар бўляпти ўзи?!». — Барibir баённома тузамиз, — деб тўнғиллади сержант.

- Жим, — деди унга қараб Шокарим, сўнг яна ўйлар гирдобига шўнгиди: «Уч хонали «дом»да картошка, пиёз, сабзи, хурмо, қовун, тарвуз... Нима бўлти, балки тирикчилигидир... Унда бу нарсаларни ўзи бозорда сотса бўлмайдими?.. Каталақдай «дом»да саклаши шартми? Яна бирорларга сотгани ҳам берса...».

- Бу ерда нима қилиб ўтирибиз? — дед сўради Шокаримдан сержант. — Кечиравис, ким бўлашиз, ўзи?

- Ҳозир... ҳозир... — дед ўйланиб Шокарим. — Аввал ўзингизни танишитиринг.

- Сержант Икром Невматов.

- Невматов, ҳозироқ манави синглимизи кўйиб юборинг.

- Вой, раҳмат, ўртоқ бошлиқ! Умрингиздан барака топинг. Бу сержант укамлар ҳали ёш-да. Аввал, ўйланиб-нетишсин, олахуржун елкасига илнисин. Ўшанда кўрамиз, дехқон бўлмаганларини...

- Сержант Невматов, синглимизи кузатиб қўйинг, — деди Шокарим. — Ўйларигача обориб қўйинг.

- Раҳмат, омон бўлинг, начальник. Бола-чақангизнинг орзувхавасини кўрин! — Аёл юзига фотоҳа тортиб тўрхалтасини орқалади.

- Сержант Шокаримга яқин келиб, сўради:

- Кимлигинизни айтинг, нега менга бўйруқ беряпсиз?

- Чунки, сержант Невматов, мен вазирилардан подполковник Усмонов бўламан, — деди Шокарим ҳужжатини кўрсатиб. Энди бориб, бўйруқни бажаринг.

- Эшитаман, ўртоқ бошлиқ!

- Опангизни ўйигача кузатиб боринг. Яхши гапиринг. Унинг ўйида картошка сақлаётган қўшнисининг манзилини билиб, зудлик билан етib келинг...

(Давоми бор).

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН**

Республика ИИВ ЙХХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Кораллопистон Республикаси ИИВ ЙХХБ бошлиғи, подполковник М. Айтмуратова онаси Дамегуз УСЕНБАЙ қизининг вафот этганини муносабати билан чукур таъзия изкор қилилар.

Кораллопистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Йўл ҳаракати хавфезилинги бошлиғи, подполковник М. Айтмуратова онаси ОБИДАХОН яининг вафот этганини муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририяти хотимли, катта лейтенант К. Шокировга онаси МАВЛУДА МАРДОНОВА-НИНГ вафот этганини муносабати билан чукур таъзия изкор қилилар.

Тран



Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш Бирлашмаси алоҳида милиция батальони ходимлари ўзларига қўриққа топширилган обьектларни ишончли қўриқлаб келишти. Улар орасида аъло хизматлари, пухта билимлари ва қатъий интизоми билан ҳамкасларига ўрнак бўлаётганлар талайгина.

Суратда: ана шундай фидойи, намунали ходимлардан катта сержант Латиф Кудратов ва сержант Икром Курбоновлар.

## ФАНТОМАС – КИМ У- уста қўйбойлоғчими ёки сехгарми?

(Давоми. Боши ўтган сонда).

### ТАЪКИБ

Шундан сўнг бутун француз полицияси оёққа турди. Барча департаментларда қидирив-суршиширув ишлари олиб борилди. 1912 йил 14 апреда Иври шаҳри қидирив полицияси бошлиғи Боннонинг тунги қовоқхоналардан бирига келишидан хабар топиб, уни ҳибса олишга ҳаракат қилди. Аммо Анри полиция бошлигини отиб ташлаб, ўзи яшириди. «Сосете женераль» банки босқинчиларни заарсизлантиришига ёрдам берувчи маълумот учун 100 минг франк мукофот вайда қилди.

Қарабиски, орадан икки ҳафта ўтиб полицияга Бонно Шаузи шаҳри чекасидаги гаражлардан бирида яшириниб ётсанлигини хабар қилишди. Полициячилар гаражни куршаб олишди. Аммо босқинчилар қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Улар пулемётлар, ҳатто кемага ўрнатиладиган тўп билан куролланишган эди. Полициячиларга учта гвардиячилар роtasи, икки пиёдалар батальони ва отлиқ жандармлар ёрдамга келишиди.

Фантомас бу сафар ҳам ўзининг учар аппаратида жуфтакни ростламасин деб осмонга ҳаво шарлари ва аэрогланлар кўтарили. Сапёрлар гаражни порглатишиди. Бонно ҳалок бўлди. Унинг шериклари эса қўлга олинди.

Босқинчилар тўласи устидан суд жараёни 1913 йил февраль ойида бошлиниб, Париж шаҳрида бўлиб ўти. Бу гаройиб жиноят иши омма орасида ва матбуотда катта шов-шувга сабаб бўлди. Суд жараёнида франциялик журналистлардан Т. Сувестр ва М. Ален ҳам иштирок этишиди. Айнан улар кейинчалик ана шу жиноят иши тафсилотларига асослашиб, ерда ҳам, сувда ҳам, кўкли тутқич бермайдиган афсонавий Фантомас ҳақида романлар яратишиди.

Ахборотингиз учун айтиб қўяйлик: полициячилар воқеа жойидан Боннонинг жасадини топа олишмаган. Шу сабабли бўлса керак, байзи бир француз уфологлари уни ҳали-ҳануз ўзга сайёralик шахс деб хисоблашади.

(N)

### Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранги-баранг чиқинида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидами. Таклифларнинг бўлса, марҳамат, бизга кўнгироқ қилинг!

Ҳафтанинг шаиба ва якшана-кунлари эса қўйидаги телефон орқали мурожаат қилишиниз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми?  
Марҳамат!

Мурожаат  
учун телефонлар:

139-73-88  
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvud@globalnet.uz



### КРИПТОГРАММА

- Очқич сўзлар: 1. «Бобур» видеофильмидаги Тоҳирнинг севгилиси – 9, 20, 7, 2, 15.  
2. Бобур Ҳиндистонда пойтахта айлантирган шаҳар – 12, 10, 9, 12.  
3. Ижодкорнинг шарқона шеърий вазига оид асари – 12, 9, 1, 17, 9, 2, 5, 20, 4, 12, 5, 2.  
4. Бобур зиёрат қўйган Ҳиротдаги Алишер Навоий бунёд этган бинолардан бири – 19, 2, 13, 20, 2, 15.  
5. Бобур ҳарбий юришлари давомида икки бор забт этган тарихий шаҳар – 5, 12, 8, 12, 9, 14, 12, 3, 6.  
6. Бобур меъморлик обидаси бунёд эттирган ҳозирги Сураймон тоги яқинидаги шаҳар – 11, 19.  
7. Шарқ назмига хос топишмоқ – 18, 2, 5, 16, 20, 3.  
Энди жавоб сўзлари асосида шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб криптограммани ҳал этинг. Бунда улардан ижодкор олим меросига мансуб иккى мисра ҳикмат аён бўлади.

### ЦИКЛОКРОССВОРА



К. ОРИПОВА тузди.

Давлат, ҳусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА

ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

2006 йил 26 avgустдан 26 сентябргача

### ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР ХАРИД ҚИЛИШ БҮЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тел.: 8 10 998 (371) 3614376, 3614671, 557512  
Факс: 8 10 998 (371) 3614376, 3614372, 1523049

\*\*\*

2006 йил 26 avgустдан 2 октябргача

### ЮК ВА ОДАМ ТАШУВЧИ АВТОТРАНСПОРТЛАР УЧУН АВТОМОБИЛЬ ШИНАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БҮЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тел.: 8-10-99871-1512670, 3614670, 1397827, 1363953

Факс: 8-10-99871 136-39-53

Манзил: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-йй.  
Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача кўрсатилган манзилга ёки телефонлар орқали мурожаат қилишиниз мумкин:

E-mail: umtys@uzpak.uz 557512

Газетанинг навбатдаги сони 1 сентябр куни чиқади

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir  
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinosari  
Ulug'bek Mamadaliyev  
Mas'ul kotib v.b. Rahmatilla Berdiyev

Navbatchi: Sa'dulla Shodiev  
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev  
Nikita Slavgorodskiy  
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.  
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanasi kunlari chiqadi.

Kelegusi sonda uchrashguncha xayr!



MANZILIMIZ:  
700029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: urmvud@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
202100070044798001, MFO  
00421. «Ipak yo'lb」 aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyl  
bosmaxonasiда chop etildi.  
Korxona manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007  
raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2747. Bosilish - ofset usulida. Hajmi  
- 6 bosma taboq, 55271 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakkta tartib  
- 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vagti - 23.00. Bosishga  
topshirildi - 23.00. N - internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.